# КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ ВА ЎҚИШИ ГЛОБАЛ ДАСТУРИ БЎЙИЧА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎРИҚНОМАСИ

**https://www.cgtvet.uz/ru**



**Тошкент - 2025**

**Curriculum globALE** дастури бўйича ўқитилган мутахассислар, катталар таълими сектори функциялари ва хусусиятларини ва унинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятини, шунингдек бошқа ҳолатлар ҳамда кенгроқ халқаро миқёсидаги рамкалар билан солиштирган ҳолда билади ва тушунадилар.

Катталар таълими ва ўқиши глобал дастури бўйича масофавий таълим платформасида икки томон, яъни тьютор ва курс иштирокчилари бўлади. Қуйида сизларга ушбу платформадан фойдаланиш йўриқномаси тақдим этилади.

Платформага https://www.cgtvet.uz/ru ссылкаси орқали кирилади ва қуйидаги экран очилади. Мазкур экранда ўзингизга қулай бўлган тилни танлашингиз (а) ва КИРИШ тугмаси (б) орқали ўзингизнинг логин паролингизни теришингиз мумкин (логин ва парол курс админи томонидан платформага расмийлаштириб, курс тьюторлари томонидан тақдим этилади).






Менинг профилим бандида шахсий маълумотларни киритиш, ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзингизга тегишли бўлган паролни ҳам ўзгартиришингиз мумкин *(логинни ўзгартирманг, акс ҳолда сиз платформа регистрациясидан чиқиб кетасиз ва фойдалана олмайсиз).* Маълумотларни киритиб, САҚЛАШ тугмасини босинг.



Курс бўйича маълумотларни кўриш учун БОШ САҲИФА банди (юқоридаги расмда бу банд 9 рақами билан кўрсатилган) орқали курсни танлашингиз керак (1).




Тегишли модул танлангандан кейин, модул бўйича босқичлар кўринади. Агар расмда кўрсатилгани каби қулф расми ҳолатда очилса демак, бу босқичга сизга тьютор томонидан кириш имконияти берилмаган.



Юқоридаги панеллар орқали сиз қуйидагилар билан танишишингиз мумкин:

1. ФОРУМ – гуруҳ билан ўзаро ахборот алмашинуви, фикр билдириш, муносабат билдириш, саволлар, изоҳлар.
2. КУТУБХОНА – курс билан боғлиқ бўлган манбалар жойланган.
3. ЖАМОА – курс ташкилотчилари бўйича маълумотлар.
4. БИТИРУВЧИЛАР – курс ташкил этилгандан буён иштирок этганлар рўйхати киритилган.
5. БОҒЛАНИШ – ташкилотчилар билан алоқага чиқиш учун.



ФОРУМ бандида тьюторлар томонидан берилган топшириқлар (1) билан танишишингиз, фикр билдиришингиз (2), менюлар панели орқали ёзув шаклини (шрифт, ранг, жойлашув ва ҳ.к.) ўзгартиришингиз (3), файл юклашингиз (4) мумкин. Сўнгра ИЗОҲ ҚОЛДИРИШ (5) тугмаси орқали маълумотларингизни юборишингиз лозим. Бундан ташқари ўз жавоб ва фикрларингизни ўзгартиришингиз, бошқа иштирокчиларнинг фикрларига муносат билдиришингиз ҳам мумкин.




***Изоҳ:*** *Агар платформада ишлаш жараёнида маълум вақтгача (тахминан 20-30 дақиқа) фойдаланмасангиз автоматлаштирилган тарзда ёпиқ ҳолатга келиб қолади ва қайта логин паролингизни териб фойдаланишингиз мумкин.*